УзССР Давлат китоб палатаси

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 26 январь, пайшанба №12 (21.775.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ХОДИМЛАРИ В. А. РУМИ ВА Ҳ. Ш. АБДУСАМАТОВНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизматлари, илм-фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

РУМИ Виктория Артемовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг илмий маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБДУСАМАТОВ Ҳафиз Шоаҳмедович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. Ж. ҲАҚҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, нефть саноати комплексини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг раиси Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон Рспубликасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.

Қўқонлик пичоқчилар, бешиксозлар, кулоллар, заргарлар тайёрлаган маҳсулот намуналарининг донги дунёга кетган.

Бугунги кунда бу ерда халқ ҳунармандларининг кейинги авлодига мансуб бўлмиш бир қанча усталар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири машҳур ёғоч нақш ўйиш устаси, халқ рассоми Қодиржон Ҳайдаровнинг невараси, бобо касбини улуғлаб, ўзбек миллий ҳунармандчилигининг ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан санъат арбоби Ҳасанжон Умаровдир. Ҳасанжон Умаров томонидан тайёрланган, ёғоч ўймакорлигининг энг нозик жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган нақшли дарвоза, эшик, сарой устунлари ҳамда бир қанча ҳунармандчилик намуналари амалий санъат музейларида сақланмоқда ва санъат ихлосмандларига муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Фарғона шаҳрининг ҳуснига ҳуси қўшиб турган рамзий дарвозанинг устунларини тайёрлашда ҳам унинг ҳиссаси беқиёс.

Суратда: Ҳасанжон Умаров (ўртада) шогирдлари Асадулло Отабоев ва Оллоберди Абдуазизовлар тайёрлаган ишни кўздан кечирмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика молия вазири Б. Ҳамидов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Рожер Маканик бошчилигидаги миссияси вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

ПЛЕНУМДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Беруний тумани кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Бахтиёр Есчанов Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси муовини бўлиб сайланганлиги муносабати билан туман партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод этилди. Беруний шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган Йўлдош Насруллаев Ўзбекистон ХДП Беруний тумани кенгаши биринчи котиби бўлиб сайланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ИЗЧИЛЛИК ЗАРУР

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳузурида шаҳар ва туман ҳокимлари, айрим вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни Жўқорғи Кенгес Раиси Уббиниёз Аширбеков бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 18 январь куни бўлиб ўтган мажлисда ўртага қўйилган вазифалар ҳамда мамлакатнинг янги парламентига, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин ўтган Жўқорғи Кенгес, туман ва шаҳар кенгашларининг биринчи сессиялари натижалари, шунингдек, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда республикада сусткашликка йўл қўйилаётгани, озиқ-овқат таъминотида узилишлар мавжудлиги, меҳнаткашларнинг турмуш ва иш шароитларини янада яхшилаш лозимлиги, кадрлар сиёсатини тўғри олиб бормай туриб, бу камчиликларни вақтида бартараф этиш мумкин эмаслиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Республикада иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

Президент Фармонлари амалда

«АЙЛАНАЙИН СИЗДАН, ҚИШЛОҚДОШЛАРИМ»

Уни билганимга салкам ўттиз йил бўлди. Ёшликдан адабиётни, шеъриятни севади. Дилтортар, ўйчан шеърлар ёзарди. Кейин олий даргоҳда ўқиди. Мактабда директорлик қилди. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ишлади. Қишлоқдошлари — Талоқтепаликлар уни яна мактаб директорлигига таклиф қилишди. Унинг шоир қалбига қишлоқдошлари чинакам шайдо эди. Ҳар доим элдошлари дардига дармон бўлишни юксак фазилат деб биларди.

Ундаги элпарварликни, кайвониликни англаган оқсоқоллар тавсияси билан уни қишлоқ кенгашига раис қилиб кўтаришди. Унинг Чироқчи туманидаги Аҳмад Яссавий ширкат жамоа хўжалиги ҳудудини ўз қамровига олган. «Янги ҳаёт» фуқаролар йиғинига раис бўлганига ҳам ўн йилдан ошди. Туйма Фармоновни қишлоқдошлари Шўро бобо, оқсоқол бобо, раис бобо дея эъзозлайди.

«Янги ҳаёт» фуқаролар йиғинининг Президентимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан қилаётган ишлари билан қизиқдим. Раис комиссия билан кам даромадли оилалар ҳолидан хабар олгани кетган экан. Кутдим. Мендан бошқа кутаётганлар ҳам бор экан. Улардан сўрайман: «Раис қандай одам?» «Шўро бовами? Яхши одам, элнинг тўю таъзиясида бош-қош, боши оғриганнинг бошини силайди. Бева-бечорадан ёрдамини аямайди. Касалмандларнинг уйидан оёғини узмайди...» Анови қадимий Қарши — Самарқанд карвон йўлида — Буюк Ипак йўли ёқасида қадимда қурилган уч гумбаз масжиди ўтган йили ёғинсочин пайтида қулаб кетганди. Раис тиниб-тинчимади. Хўжалик бошлиқларини, элнинг қатталарини, муҳими одамларни шу қадим, тарихий обидани таъмирлашга даъват этди. Хайрия йўлида маблағ тўпланиб, ишга киришилди. Уч гумбаз яна аввалгидай қад ростлади.

Кечга яқин раисни учратдим. Муддаомни айтдим.

— Юртбошимизнинг ана шу Фармони айни пайтда чиқди-да, — деди Туйма ака. — Бозор иқтисодига ўтиш шароитида кам даромадли оилалар бироз қийналмоқда эди. Қишлоқдошларим ажойиб одамлар. Қийинчиликларга бардошли, бир-бирига меҳр-оқибатли. Уларнинг ана шундай ибратли ажойиб ишлари ҳақида «Айланайин сиздан, қишлоқдошларим» деган ахлоқий мавзуда китоб бошлаб қўйдим.

Раиснинг айни кундаги ташвишларини сўрадим.

— «Янги ҳаёт» фуқаролар йиғинига қарашли еттита қишлоқ бўлиб, 13,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Янги Фармон бўйича 140 оиладан ариза тушди. Комиссия ариза берган оилаларнинг моддий ва маиший аҳволини бирма-бир ўрганиб чиқди. Ҳар бир маҳаллада оқсоқоллар кенгашиб, кимга ёрдам лозимлигини ошкоралик асосида аниқлаб чиқишди. Бу соҳада котиб Рўзиқул Мирзақулов, ходим Муҳаммади Розиев, врач Эшқувват Мирзақулов, бўлим бошлиғи Нурмамат Назаров, Аҳмад Яссавий жамоа ширкатининг раиси Абдураҳмон Қодировлар жонбозлик кўрсатиб ишлаётир. Тактепа қишлоғида яшовчи оила бошлиғи Хушвақт Эшниёзов тракторчиликдан оғир касалланган, 8 фарзанди бор, 80 ёшли онасининг кўзлари ногирон. Мойлижардаги Мастура Ҳақбердиева оиласи боқувчисини йўқотган. Иккита ёш боласи бор. Хушали қишлоғидан М. Қувондиқов меҳнат ногирони. Кўп болали. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳтожларга ҳукумат мадади мустақил давлатимизнинг халққа бўлган энг катта ғамхўрлиги. Бундай ғамхўрликка жавобан элини, юртини севадиган ҳар кимнинг дилида юртбошимизга меҳр ва ҳурмат уйғониши муқаррар. «Айланайин сиздан, қишлоқдошларим» мавзуида китоб битаётган раис бобо Туйма Фармонов ҳам бундан мустасно эмас.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФЕРМЕРЛАР ҲУЗУРИДА

САРДОБА (мухбиримиздан). Бу ерда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Мулоқот» сиёсий мунозара клубининг кўчма машғулоти бўлиб ўтди. «Мулоқот»нинг бу сафарги йиғилишида «Фермер хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатиш борасида вилоят партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида баҳс юритилди. Кўчма машғулотда вилоятнинг кўпгина фермерлари, тадбиркорлар ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Мунозарани Ўзбекистон ХДП Оқолтин туман кенгаши биринчи котиби, тумандаги фермер хўжаликлари ассоциацияси раиси Норбой Жойноқов бошлаб берди.

Шундан сўнг мазкур масала юзасидан ўзаро фикр алмашувлари, музокаралар бўлди. Уларда оқолтинлик фермер Ўразбой Сафархонов, боёвутлик Рустам Ашуралиев, «Сардоба» ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти котиби Раҳматулла Билолов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ФУТБОЛ ҚИРОЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бразилия ҳукумати 2004 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон Олимпиада ўйинларини Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиш истагини билдирди.

Аммо, машҳур футболчи Пеле Олимпиада ўйинларининг мезбони бўлиш учун Бразилиянинг имконияти етарли даражада эмас, деб айтган. Чунки Севилья, Брюссель, Сан-Хуан (Пуэрто-Рико) ва Кейптаун каби шаҳарлар ҳам ўз номзодини кўрсатган. Бразилияда эса мазкур шаҳарлардагидек замонавий спорт иншоотлари йўқ, деди у.

ҲАМОН ЕР СИЛКИНМОҚДА

Японияннг Коба шаҳрида ҳамон ер силкиниши ҳоллари юз бериб турибди.

23 январь куни бу ерда 4,5 балл куч билан яна ер қимирлади. Қурбонлар ҳақида хабар берилмади. Полиция бош бошқармаси тарқатган хабарга қараганда, 17 январдаги ер силкинишидан кейин ҳозиргача 4984 кишининг жасади топилган. 166 киши бедарак йўқолган. 25.964 кишига эса тиббий ёрдам кўрсатилган.

АҲОЛИ КЎПАЙМОҚДА

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг хабарига қараганда, мамлакат аҳолиси 261 миллион кишига етди.

2000 йилга келиб бу кўрсаткич 276 миллион ва 2050 йилда эса 392 миллион кишига етади. Шу давр ичида АҚШ аҳолисининг ўртача умри 76,3 ёшдан 82,6 ёшгача ўсар экан.

МУСУЛМОНЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Қозон шаҳрида Татаристон мусулмонларининг навбатдан ташқари қурултойи бошланди.

Қурултойда диний бошқарма фаолиятини қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилади. Шунингдек, муфти, унинг ўринбосари ва қози қайта сайланади. Қурултойда араб ва бошқа мусулмон давлатларининг Россиядаги элчихона вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

ЛИТВАГА ТАШРИФ

Руминия сенати раиси Оливью Герман раҳбарлигида парламент делегацияси Литвага ташриф буюрди.

Ташрифдан мақсад икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Руминия делегацияси ташриф чоғида Литва Президенти, Сейм раҳбари ва мамлакат бош вазири билан учрашади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

Хайрли тадбир

ЯНГИ ПАСПОРТ ОЛИШЯПТИ

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг янги паспортларини топширишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу тадбир вилоятдаги Жиззах шаҳри, Жиззах тумани ва Дўстлик туманларида биринчи бўлиб амалга оширилди. Ўтган йиғилишларда дастлаб 81 нафар ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари янги нусхадаги паспортларни қўлга олишди.

— Бу йил 1522 нафар фуқарога паспорт бериш кўзда тутилмоқда, — дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг кириш ва чиқиш фуқаролик бўлими бошлиғи Маматқул Расулов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ фуқароларга паспорт топширишга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу масъул иш билан шуғулланадиган ходимлар махсус тайёргарликдан ўтишди. Хоналар ажратилиб, техник воситалар билан жиҳозланди. Йиғилишлар тантанали, эсда қоларли бўлиши учун маҳаллий ҳокимликлар ички ишлар ходимларига ёрдам бермоқдалар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Тадбиркорлик

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

САМАРҚАНД. Сиёб тумани ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Регистондаги музейда самарқандлик мусаввирлар, ҳайкалтарошлар асарларининг савдо кўргазмаси уюштирилди.

Бу тадбирга йирик фирма, корхона ва ишбилармонлар жалб этилди. Натижа ёмон бўлмади. Қисқа вақт ичида 100 минг сўмлик ижод намуналари ўз эгасини топди. Хусусан «Лидер» фирмасига Худойберди Ҳақбердиев ва Любовь Старцова расмлари, «Умид» фирмасига эса Дегтярев асарлари маъқул тушди. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек, кўп меҳнат сарфланган, лекин савдоси касод асарлар ўзига хос тадбиркорлик туфайли эгаларига етиб борди.

Ҳатто айрим корхоналар рассомларга буюртмалар ҳам берди.

Ишбилармонлик

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

НАМАНГАН. Шойи газламалар бирлашмаси ихтирочилари ўзига хос изланишмоқда.

Хусусан тикув маҳсулотлари орасига қўйиладиган қотирмалар бирлашманинг ўзида тайёрланадиган бўлди. Илгари бу маҳсулот тўқув фабрикасида тайёрланиб, пардозлаш цехида кимёвий моддалар шимдирилиб, киришмайдиган ҳолатга келтирилгач Бошқирдистоннинг чарм комбинатига юборилади. У ерда сўнгги ишлов берилиб, ёрдамчи материал ҳолатига келтириларди. Эндиликда вақт ва харажатни тақозо этувчи бундай юмушлар барҳам топди. Корхонада «Карач» машинасининг ишга туширилиши енгил саноатчилар учун ўзига хос воқеа бўлди. У машина билан кунига 25 минг погонметр қотирма материаллар ишлаб чиқарилади.

Раҳимжон ИРИСОВ.

Савобли ишлар

БЕРУНИЙ КИЧИК СТАНЦИЯСИ

Нукус. Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларининг электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида савобли ишлар қилинмоқда.

«Нукус — Тўрткўл» йўлининг 132-километрида, «Ленинизм» жамоа хўжалиги ҳудудида 220 киловатт қувватли станция фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини «Ўзбекэлектротармоққурилиш», «Средазгазэлектрмонтаж», «Узбекқишлоқ» электрқурилиш трестлари ҳамда Тахиатош гидроэнергоқурилиш бошқармаси бўлинмаларининг хизматчилари амалга оширдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ

Хўжалигимизда 150 нафар ХДП аъзоси бор. Улар 6 та цех ва 4 та ҳудудий цех партия ташкилотлари атрофига жипслашган. Кам даромадли фахрийлардан 24 нафари бошланғич партия ташкилотининг қарорига биноан аъзолик бадаллари тўлашдан озод этилган. Хўжалик маъмурияти уларга доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда. Сафларимизни ғоявий етук, сиёсий билим, савияси юқори бўлган ёшлар билан тўлдириб боряпмиз. Аҳоли ўртасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларининг самараси чакки бўлмаяпти. Айниқса, УзХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш борасида махсус курс ташкил этилган. Унда турли соҳа вакилларининг маърузалари тингланмоқда.

Куни кеча А. Жўраев номли мактаб ўқитувчилари жамоаси билан ҳамкорликда адабий кеча ўтказилди. Унда вилоятимизнинг кўзга кўринган шоир ва ёзувчилари иштирок этдилар. Кутаринки руҳда ўтган бу кеча кўпчиликнинг қалбидан ўрин олди.

Қишлоқларимизда ишбилармонлар ва тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Ҳозир 8 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатяпти. Улар ғўшт, сут ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Иккита ҳиссадорлик жамияти, 9 та кичик корхона, 13 та хусусий дўконлар ишлаб турибди. Уларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилиги ХДП аъзоларидир.

Уруш ва меҳнат фахрийлари доимий эътиборимизда. Байрамларда улар зарур маҳсулотлар билан таъминланиб турилибди. Уларга дон, ёғ, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорва маҳсулотлари ўз вақтида бериб борилмоқда. Мактабларнинг ўқувчиларига стипендиялар ташкил қилганмиз. Ишчи ва хизматчилардан 120 нафардан ортиқ киши сайёҳлик йўлланмаси билан турли шаҳарларга бориб келди. Муҳими, аҳолининг талаб ва орзуси билан бизнинг мўъжазгина фаолиятимизда муштараклик бор.

Ором НАЗАРОВ,
Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа ширкат хўжалиги ХДП бошланғич ташкилотининг котиби.

МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ БИРЛИК

Иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар ва ўзгаришлар даврида Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги Янгиқўрғон жамоа хўжалиги ҳар жиҳатдан юксалиш йўлига кирди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқларни ободонлаштириш, хонадонларни табиий газ ва ичимлик сув билан тўлиқ таъминлаш чоралари изланмоқда.

Айни пайтда «Чарвоқ-гузар», «Даврикўрғон», «Мингон» каби қишлоқлардаги юзлаб хонадонларга арзон ёнилғи етиб келди. Дамхўжа-Навоий қувурли сув йўлидан хўжалик аҳолиси учун обҳаёт келтирилаётир.

Янгиқўрғонда тадбиркорлик, ишбилармонликка ҳам эътибор бериляпти. У ёки бу маҳсулот турлари ишлаб чиқараётган ўнлаб кичик корхоналар, бичиш-тикиш цехларини иқтисодий ислоҳотлар натижаси дейиш мумкин. Бундан ташқари, хўжалик ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этадиган пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ҳам фойда келтирмоқда. Масалан, 1994 йилда янгиқўрғонликлар 3100 тонна пахта, 275 тонна ғалла, 15 тонна пилла тайёрладилар. Президент фармонига мувофиқ, хўжалик тасарруфида 300 тонна пахта толасининг қолиши соф 12 миллион сўмлик даромад демакдир.

Қўлга киритилган барча муваффқиятлар негизида хўжалик бошланғич партия ташкилотининг сезиларли ҳиссаси бор. Бошланғич ташкилот ўз сафига 104 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган. Кейинги икки ойда Нурали Ражабов, Аҳтам Шодиев, Рўзи Турсунов каби ёшлар партияга қабул қилинди.

Хўжаликдаги ХДП аъзолари элнинг ташвиши, муаммолари, орзу-ўйлари билан яшаб, меҳнат қилишаётир. Дала ва корхоналарда иш бор, демак интилиш ва муваффқият бор. Ҳозирги қишли-қировли кунларда ҳам меҳнаткашлар дала юмушлари, чорва ташвишлари билан банд. Айниқса, экин майдонларига яхоб бериш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш диққат-эътиборда. Султон Мақсудов, Бекназар Муқимов, Холмўмин Раҳимов, Шодиёр Нуркулов сингари партиядошлар бошлиқ бригадаларда қиш суви оқизиш, техника ва техник ускуналарни экин мавсумига созлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Янгиқўрғонликлар турмуш қийинчиликларини бир мақсад йўлидаги қаноат ва бардош билан енгиб ўтмоқдалар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Вобкент туманида республика Президентининг фармонига асосан барча чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани яхши самара бераётир. Тўғрироғи, мулк ўз эгасини топгач, маҳсулот етиштириш кўлами анча ошибгина қолмай, балки сифати ҳам яхшиланаётир. Бунда ҳиссадорлар меҳнати билан бирга фермерларга хизмат кўрсатувчи туман «Чорватехсервиз» бўлими фаолияти ҳам ибрат бўлаяпти. Бўлим жамоаси айни чоғда 9 та ҳиссадорлик жамияти, 61 та фермер хўжалиги ҳамда 3 та наслчилик хўжалигига амалий кўмагини аямаяпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши ташкилот фаолиятини янада жонлантириш мақсадида яқинда «Чорватехсервиз» бўлимида бошланғич партия ташкилотини тузилди. Етти нафар ХДП аъзоси бириккан бу бошланғич партия ташкилоти тумандаги 51-ташкилот сифатида қайд қилинди.

Дарҳақиқат, ўз сафларини кун сайин янги кучлар билан тўлдириб бораётган Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ҳисобида бугун 2070 аъзо бор.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатимизнинг энг йирик қурилишларидан бири Таллимаржон ГРЭСи тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Яқинда унинг 16 минг тонналик қозони монтаж қилиб бўлинди. Қудратли қозон 160 та мураккаб блоклардан иборат. У биринчи агрегатни ишлатишда фойдаланилади. Шу вақтнинг ўзида бинокорлар йирик «ОРУ-220» электрподстанцияси қурилишини якунлашди.

ГРЭС яқинида одамларнинг кўз олдида замонавий гўзал «Нуристон» посёлкаси қад ростлади. Барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй-жойларда 10 мингдан зиёд аҳоли яшамоқда. Уларнинг аксарияти қурилишда меҳнат қилаётган бинокорлар ва мутахассисларнинг оилалари. Бу ерда ҳар ойда 50 тагача ҳовли тўйлари ўтказилмоқда.

Янги йил арафасида ҳам шундай воқеа юз берди. 56 хонадонли уй одамларга топширилди. Шунингдек 1560 ўринли мактаб, поликлиника, иккита болалар боғчаси, савдо маркази, нон заводи ва бошқа зарур бинолар қуриб битказилди.

Суратларда: 1. Монтажчилардан Абдумалик Бойтиллаев ва Абдурасул Абдуназаров. 2. «Нуристон» посёлкаси қурилиши давом этмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ТАФАККУР»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Мамлакатимиздаги энг навқирон нашр, маънавият ва фикр, ақл ва маърифат минбари — «Тафаккур» журналининг янги сони босмага тайёр бўлди. У матн ва безакларининг сифат-мазмунига кўра беҳад теран ва кўркамдир. Ноёб қоғозга туширилган расм ва сурат, безак ва

чизгилар жилоси, мақола ва бадеаларр фалсафаси кишини мафтун этиши шубҳасиз.

Инсоний комиллик, Ватан истиқлоли ва истиқболи, буюк аждодлар ибрати, миллий давлатчилигимиз тарихи, ислоҳот ва бугунги ижтимоий жараён ҳақидаги материаллар, ўлкамизнинг фусункор жамоли, ҳаётнинг сирли-сеҳрли лаҳзалари акс этган суратлар, ўй ва мулоҳаза уйготувчи безаклар — журналнинг мухтасар мундарижаси ана шундай.

Журнал тез орада ўқувчилар қўлига тегади. Ҳали «Тафаккур»га обуна давом этмоқда, яъни уни арзонроқ — обуна баҳосида олиб ўқиш имконияти мавжуд.

Журналнинг йиллик обуна баҳоси — 75 сўм.
Индекси — 35750.

Қарор ва ижро

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Шундай ҳужжатлар бўладики, уларнинг эълон қилиниши алоҳида воқеа сифатида баҳоланиб, турмушимизга таъсири яққол сезилади. Мамлакат Президентининг 1994 йил 21 январь Фармони ўз моҳиятига кўра ислоҳотлар йўлидаги инқилобий қадам деб аталган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил бошларида қабул қилинган «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни барпо этишга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам халқимизнинг айни кунглидаги орзу ниятларни ифода этди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, халқ хўжалигимиз тармоқларида раҳбарлик қилаётган бугунги мутасаддиларнинг аксарияти қабул қилинган қарорлар ижроси борасида масъулиятни чуқур ҳис қиладилар. Шу маънода вақти-вақти билан босиб ўтилган йўлга баҳо бериш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгилаш яхши анъанага айланмоқда. Яқинда республика ўрмончилар уйида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарорига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда нафақат ўрмон хўжалиги ходимлари, балки иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари вакиллари биргаликда республика ҳукумати олдинга қўйган вазифалар қандай бажарилаётганлиги ҳақида бугунги талаблар асосида машварат ўтказдилар.

Анжуман иштирокчилари аввало Ўрмон қўмитаси томонидан ташкил этилган халқ истеъмол буюмлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Табиат бағридаги оддий шох-шаббалардан, чиқитга чиқиб кетиши мумкин бўлган ашёлардан нозик дид билан тайёрланган бежирим буюмлар барчанинг дилини равшан қилди. Ўзбекистон ўрмончилари юртимизни яшиликка буркаш орқали атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун курашиш асосида пештахталарни халқ истеъмол молларига тўлдириш ҳақида қайғуришаётган экан, буни бугунги кунимиз талабларини тўғри ҳис этиш деб тушунмоқ керак. Агар илгари ўрмончилар дарахтни экиш, ўстириш ва уни хом ашё сифатида топширишни ўз вазифалари деб билишган бўлса, иқтисодий ислоҳотлар замонида ана шу хом ашёдан қандай қилиб тайёр маҳсулот олиш ҳақида ҳам жон куйдирмоқдалар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан ишчанлик ва талабчанлик руҳида ошкора муҳокама юритдилар.

— Маълумки, ҳозирги мураккаб иқтисодий ҳаётимизда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар қаторида республика халқ хўжалигини асосий қурилиш материалларидан бўлмиш ёғоч ва тахтага бўлган талабини қондириш муаммоси туради, — деб сўз бошлади Ўзбекистон Давлат ўрмон қўмитаси раиси Абдушукур Хоназаров. — Шуни айтиб ўтиш керакки, 1991 йилга қадар ҳар йили 10 — 12 миллион кубметр ёғоч Россиянинг узоқ вилоятларидан 4 — 5 минг километрлик масофадан ташиб келтирар эди. Табиийки, бунда ёғочнинг таннархи жуда юқори бўлган. Собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлиши натижасида ташқаридан ёғоч маҳсулотларини келтириш умуман камайиб кетди. Мазкур муаммони ҳал этишда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори муҳим аҳамият касб этади. Бу республикамизнинг ўзини ёғоч ишлаб чиқариш мустақиллигига эришишни таъминлаш бўйича дастлабки қадамидир. Қарор ижроси қурилиш материалларидан ёғоч, тахта, қоғоз ва гугуртга бўлган эҳтиёжининг анча қисмини қондириш ҳамда юзлаб ҳар хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни таъминлайди, кўплаб ишчи ўринлари барпо этилади ва келажакда катта даромад манбаига айланадиган пешқадам соҳалардан бири бўлади.

Қарорга асосан, ҳар йили республика бўйича 10 минг гектарда, шу жумладан ҳар бир вилоятда 600-700 гектардан ва Қорақалпоғистон республикасида 900 гектар теракзорлар ва бошқа ёғочбоп дарахтзорлар барпо қилиш режаси белгиланган. Қарийб 100 минг гектар майдонда ёғочбоп дарахтзор яратилиши керак. Бу суғориладиган умумий майдонимизнинг атиги 0,4 фоизини ташкил қилади.

Ҳозирги кунда 1 кубметр ёғоч-тахтанинг баҳоси 3-4 минг сўмдан ошиб кетди, уни Россиядан олиб келишнинг ўзи серхаражат ва машаққатлидир. Бир гектар теракзордан 10 йилда ўртача 500 кубметр ёғоч олинади. Агар 100 минг гектар майдонда табақалаштириб, ҳар йили 10 минг гектардан кесиш амалга оширилса, ҳар йили 5 миллион кубметрдан ёғоч тайёрланади. Айни пайтда кесилган ерларда яна теракзорлар тез ўсиб кесиладиган бўлиб етилаверади, яъни ердан узлуксиз фойдаланиш йўлга қўйилади.

Қарорни бажариш юзасидан тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда катта ишлар амалга оширилди. 1994 йил февраль ойининг охирида Давлат ўрмон қўмитаси Республика фахрийлар кенгаши билан биргаликда республика аҳолисига мурожаатнома қабул қилди. Бу борада «Экосан» халқаро ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Терак ва бошқа ёғочбоп дарахтзорлар ташкил қилиш ишларини рисоладагидек амалга ошириш мақсадида Давлат ўрмон қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорлар барпо қилиш бўйича» қисқача ишчи қўлланма тайёрланиб барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва вилоятларга етказилди. Вилоятларда, туманларда кўчат ўтқазиш схемалари ва қатор ўралари, шу мақсад учун ажратилган ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилди.

Жойларда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра теракзорлар барпо қилиш топшириқлари Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона, Тошкент, Андижон, Хоразм вилоятларида намунали ташкил қилиниб, берилган топшириқлар ортиғи билан бажарилди ҳамда кўп ерларда экилган қаламчалар ва кўчатларни 70-80 фоиз кўкариши таъминланди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, деярли барча вилоятларда маҳаллий аҳоли томорқаларда яқин 2-3 йил ичида терак қаламчаларини экиб кўпайтиришга киришган ва бу борада кўзни қувонтирадиган ишлар қилинган.

Лекин шу билан бирга Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида белгиланган теракзорлар барпо қилиш топшириқлари бажарилмади. Бу топшириқларни бажармаган асосий туманлар қуйидагилар: Жиззах вилоятида Зарбдор тумани режа бўйича 91 гектар терак экиши керак эди, амалда 47 гектарга экди. Навоий вилоятида терак экиш топшириғи берилган 6 та тумандан 5 таси бажармади (Навоий туманидан ташқари), шу жумладан Қизилтепа туманида 120 гектар ўрнига 55,1 гектар, Навбаҳор туманида 120 гектар ўрнига 44, Хатирчи туманида 300 гектар ўрнига 130 гектар барпо этилди.

Самарқанд вилоятида Иштихон тумани терак экиш топшириғини бор-йўғи 9 фоизга бажарди, Каттақўрғон туманида 90 гектар ўрнига 5,5, Нарпай туманида 70 гектар ўрнига 22, Пахтачи туманида 60 гектар ўрнига 18 гектар ерга терак экилди. Тайлоқ тумани экиш топшириғини (20 гектар) умуман бажармади.

Текшириш давомида шу нарса маълум бўлдики, айрим туманлар ва хўжаликларда экилган теракзорларнинг катта-катта майдонларда қуриб қолишига йўл қўйилди. Чунончи Бухоро вилояти бўйича 458 гектар экилган теракзордан 204 гектари, Хоразм вилоятида 382 гектар экилгандан 126 гектари, Навоий вилоятида 272 гектар экилгандан 136 гектари, Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида барпо қилинган 42 гектардан 24 гектари, Қораўзак туманида 60 гектардан 23 гектари кўкармаган.

Кўчатлар ва қаламчаларнинг экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманидаги яхши хўжаликлардан ҳисобланган «Шўртанбой» хўжалиги бориб кўрилганда 10 гектар майдонда экилган терак қаламчалари қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилиши натижасида қуриб қолган. Бухоро вилояти бўйича республикада экилган теракларнинг кўп қисми нобуд бўлишга йўл қўйилган. Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида экилган 5 гектар теракзорнинг 4 гектари қуриб қолган.

Жойларда ўтказилган текширишларда яна шу нарса маълум бўлдики, теракзорлар асосан 0,5 - 1, жуда кўп бўлса 2 гектарлик кичик-кичик майдонларда тарқоқ ҳолда ҳамда йўл четкалари, суғориш шохобчалари бўйларига бир қаторли қилиб экилмоқда. Айрим жойларда бир қаторли экилган тераклар ҳам теракзор ҳисобида экилди, деб маълумот берилмоқда. Яхлит йирик массивларда экиш ташкил қилинмаган.

Бундай аҳволда келгусида кўзланган мақсадга эришиш қийин, чунки кичик-кичик майдонларда экилган тераклар парвариши қўл кучи билан бажарилади, зараркунандаларга қарши курашиш, уларни қўриқлаш ишлари жуда қийин кечади.

Ўрмон хўжаликлари бўйича гап юритилганда, шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур қарор бўйича 400 гектар терак экиш топшириғи 600 гектарга яқин майдонда ошиғи билан бажарилди.

Ҳозирги кунда республикамиз ўрмон хўжаликларида 300 гектардан зиёд теракзор мавжуд ва уларнинг ёғоч заҳираси 270 минг кубметрни ташкил қилмоқда. 25 хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Аммо Арнасой, Зафаробод, Пешку, Олот, Шофиркон, Қоровулбозор, Шеробод ва яна бир қатор ўрмон хўжаликларида барпо қилинган теракзорларнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Ривожланган мамлакатларда терак ўстириш, ёғоч етиштиришга, умуман, ўрмончиликка алоҳида эътибор берилиб келинади. Бу соҳа қаттиқ қонун билан ҳимоя қилинади. 1993-1994 йилда давлат Ўрмон қўмитасининг бир гуруҳ мутахассислари Хитой Халқ Республикасининг Цин-зян, Уйғур мухтор республикасига бориб, у ерда теракзорлар ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиб чиқдилар. Улар терак етиштиришни шу яқин 10-15 йил ичида йўлга қўйишган бўлиб, эндиликда ўзларига етарли миқдорда ёғоч ишлаб чиқармоқдалар. Улар махсус қарор қабул қилишиб, терак экиш ишини оммавий ишга айлантиришган. Хитойда ҳар йили ҳар бир фуқаро зиммасига белгиланган сондаги кўчат экиш ва уни парваришлаш мажбурияти юклатилган. Эндиликда ҳамма ерда теракзорлар барпо қилинган. Экилган теракларнинг кўкариши, сақланиш, қўриқлаш ишлари қонун томонидан қаттиқ назоратга олинган. Қўриқлаш бўйича махсус инспекциялар иш олиб боради. Ҳатто ўз шахсий томорқасидаги дарахтни кесиш учун ҳам ўрмон вазирлиги ва ҳукуматидан рухсат олиш керак бўлган, қаттиқ қонунлар қабул қилинган. Ўзбошимчалик билан дарахтларни кесган, ўрмонларда режадан ортиқча мол боққан қонунбузарларга катта миқдорда жарима белгиланган.

Юртимизда қадимдан эшикдеразаларга ишлатиладиган ёғоч, ўймакорлик, наққошлик санъати тенги йўқлигини биламиз. Қадимдан ота-боболаримиз четдан ёғоч-тахта ташиб келмаганлар. Ҳаммаси ўз тупроғимизда ўсиб, терак, тут, ёнғоқ, чинор, қайрағочдан тайёрланган. Чунки бу дарахт турлари Россиядан келтириладиган ёғочларга нисбатан қаттиқлиги, чидамлилиги, чиройлилиги жиҳатдан қолишмаган.

Умуман, теракларнинг йиллик ўртача ўсиши 60-80 кубметрни ташкил қилади. Ҳар бир кубметр терак ёғочдан 280 килограмм целлюлоза ёки қоғоз олиш мумкин. Ёки шу миқдордаги ёғочдан 160 килограмм сунъий шойи ёки 170 килограмм сунъий жун, 2 дона автомобиль шинаси, 180 жуфт калиш, 4000 жуфт шойи пайпоқ, 600 та трикотаж костюм, 90 литр спирт ва ҳоказоларни олиш мумкин. Айниқса, терак ёғочидан ишлаб чиққан қоғоз жуда ҳам сифатли бўлади. Унинг таркибида 40-50 фоиз целлюлоза бор.

Ҳисоб-китобларга кўра суғориладиган ерларда бир гектар теракзорни 10 йил давомида парваришлашга кетадиган харажат 70 минг сўмни ташкил қилар экан. Ёки 1 кубметр ёғочга 140 сўм сарфланади. Ёғочнинг харид нархи 4 минг сўм бўлса, бир гектар теракзордан олинадиган ёғоч 400-500 кубметрни ташкил қилса, ўртача бир гектар теракзор йилига 140-150 минг сўм даромад беради. Бинобарин, ёғочлар қайта ишланса, даромадга янада барака киради.

Ушбу қарорнинг изчил амалга оширилиши учун қуйидаги ишларни бажариш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Терак ва бошқа ёғочбоп дарахтларни экиш, вилоят ва туманлар бўйича худди қишлоқ хўжалик экинларини экиш каби режалаштирилиши зарур. Теракзорларни тарқоқ ҳолда, ҳар ерларда барпо этавермай, балки хўжаликлараро, туманлараро махсус ихтисослашган бўлимлар тузиб, яхлит, катта майдонларда плантация усулида ташкил қилиш масаласини вилоятларда кўриб чиқиш лозим.

Суғориш тармоқлари, йўл четкаларига қатор қилиб экиш режадан ташқари давом эттирилавериши керак.

Туманлараро ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмалари ўз вақтида теракзор ва бошқа ёғочбоп дарахтзорларда кузатувлар олиб бориб, ҳашорат ва касалликларга қарши кураш ишларини амалга ошириши зарур.

Теракларни дуч келган турли навларидан экавермай, балки ҳар бир вилоятдаги ўрмон хўжаликларида теракни селекция йўли билан танлаб олинган навларидан кўпайтириш ва хўжаликларга тарқатиш учун қаламча тайёрлайдиган кўчатчилик майдонлари ташкил қилиш керак.

Терак фақат суғориладиган шароитда яхши ўсиб ривожланади ва ундан ёғоч олиш мумкин. Шуни эътиборга олган ҳолда уларни доимий суғориб туриш мақсадида вилоятлар ва туманлардаги тегишли тармоқлар ўз вақтида сув билан таъминланиб туриш масаласини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишлари муҳимдир.

Республика бўйича барпо қилинаётган теракзорларни ва бошқа ёғочбоп дарахтзорларнинг ҳисобини статистика идорлари ҳамда ер тузиш ташкилотлари орқали олиб боришни йўлга қўйиш керак.

Терак ва бошқа ёғочбоп дарахтлар экиш билан шуғулланадиган барча хўжаликлар ҳар йили 15 сентябрга қадар экилган кўчатларнинг кўкаришини инвентаризация қилиб, сақланишини аниқлаб, «Узистиқболстат» ва Ўрмон қўмиталарига умумлаштириш учун юбориб туришлари даркор.

Ушбу анжуман кўп соҳа вакилларини бир-бирларига яқинлаштиргани яхши иш бўлди. Масалан, Бухоро ва Навоий вилоятлари ўрмончилари саксовул қолдиқларини, йиллар мобайнида қуриб ётган чиқитларини махсус майдалагичдан ўтказиб қипиқдан хом-ашё сифатида фойдаланишни таклиф қилдилар. Фарғонадаги фурон бирикмалари корхонаси айни мана шу хом ашё таъминоти тахчиллиги туфайли тўла қувватда ишламаётганидан залдагилар хабардор бўлишганида бу борада ташаббускорлар кўпчиликни ташкил этди. Биргина ана шу янгиликнинг ўзи республикага, унинг аҳолисига қанчадан-қанча фойда келтириш мумкин.

Дарвоқе, фойда кўриш, манфаатдорликни таъминлаш хусусида. Семинар-кенгаш иштирокчилари шундай хулосага келишди: ҳамма соҳада бўлганидек, теракзорлар яратишда ҳам бу юмуш пировард-натижадан манфатдор кишилар қўлига топширилиш керак. Агар ана шу омил таъминланса, ортиқча тарғиботга ҳожат қолмайди. Демак, терак ҳам ўз эгасини топиши керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

** Ҳозирги кунда мамлакат ўрмон хўжаликларида 3000 гектардан зиёд теракзор мавжуд. Уларнинг ёғоч заҳираси 270 минг кубметрни ташкил қилади.*

** Айни пайтда 25 хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.*

** Ер юзида теракнинг 140 хил тури бор. Бу дарахтнинг асосий турлари Сурия давлатида махсус хўжаликда ўстирилиб, улар орасида Ўзбекистон тераклари алоҳида ўрин тутади.*

** Теракнинг ер устки қисми умумий миқдорининг 85 фоизи танасига, 10 фоизи шохига, 5 фоизи баргига тўғри келади.*

** Бир кубметр терак ёғочидан 280 килограмм целлюлоза ёки қоғоз, 160 килограмм сунъий шойи, 170 килограмм сунъий жун, 2 дона автомобиль шинаси, 180 жуфт калиш, 4000 жуфт шойи пайпоқ, 90 литр спирт ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкин.*

Бугун — Ҳиндистон Республикаси куни

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон миллий ва анъанавий байрамларга жуда бой мамлакат. Лекин бу байрамлар ичида ҳар йили нишонланадиган Республика куни алоҳида ўрин тутади. 1950 йилнинг 26 январида мустақил Ҳиндистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда Ҳиндистон суверен, демократик давлат деб эълон қилинди.

Шу кунларда ҳинд халқи ушбу сананинг 45 йиллигини байрам қилмоқда.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган буюк давлат учун бундай қисқа давр қандай аҳамият касб этиши мумкин? Ана шу ўтган муддат мобайнида йил сайин ўсиб бораётган мамлакат аҳолисининг моддий аҳволини яхшилаш, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун нима ишлар қилиш мумкин?

Ҳиндистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги тараққиёт тарихи бундай саволларга жавоб бўла олади деб ўйлаймиз. Мана баъзи статистик маълумотлар: мустақиллик йилларида Ҳиндистонда миллий даромад 3,5 марта, саноат ишлаб чиқариш 6 марта кўпайди, дон етиштириш эса 3,5 баравар ўсди.

Бундай натижаларга эришишда мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Нерунинг хизматлари катта. Чунки у мамлакатнинг узоқ йилларга мўлжалланган мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ қилди. Кейинги авлодга мансуб раҳбарлар — Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди, Ражив Ганди каби мамлакатнинг асл фарзандлари Неру бошлаган ишни давом эттириб, халқ учун ўз жонларини аямадилар. Мамлакатни индустрлаштириш, ўз саноат базасини ривожлантириш сиёсати олиб борилганлиги натижасида Ҳиндистон йирик аграр — индустрлашган давлатга айланди. Гарчи биз Ҳиндистонни ривожланаётган мамлакат деб атасакда, ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми бўйича у 80-йилларнинг бошларида дунёдаги тараққий этган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Ҳиндистон ҳақида сўз юритиб, унинг барча соҳаларда қўлга киритган ютуқларини санаб ўтар эканмиз, энг аввало бундай натижаларга у ўзининг шароити, анъаналарига мос келадиган тараққиёт йўлини танлаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак.

Ҳар бир мамлакат ўзи учун маъқул бўлган иқтисодий тараққиёт йўлини танлайди, зотан, иқтисодий ривожланишнинг ҳамма учун тайёр умумий формуласи йўқ.

Албатта, Ҳиндистон халқи ҳам дунё илм-фани, технологиясининг энг яхши ютуқларини ўзлаштиришнинг қанчалик муҳим эканлигини яхши тушунади. Аммо бу ютуқларни у ўзининг шароити ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этади. Шу ўринда барчага маълум бир ҳақиқатни яна бир эслаб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз, яъни ҳар бир халқ ўз ўтмиши, маънавий қадриятларини унутмасдан уни янги тарихий шароит билан уйғунлаштириб тараққий қилгандагина барқарор ривожланади ва дунёда обрў эътибор қозонади. Жавоҳарлаъл Неру айтганидек: «Ҳиндистон «Маҳобҳарата», «Рамаяна» упонишадлар ва Буддани эсдан чиқарса Ҳиндистон бўлмай қолади... фантехникани эгаллаб ололмаган мамлакатнинг келажаги йўқ, лекин агар у ўзининг ўтмишини рад этса, бу келажак майда, бўм-бўш, реал аҳамият касб этолмайдиган бўлиб қолади».

Айни замонда биз ҳинд халқининг асл фарзанди айтган гапларнинг нечоғлик тўғри эканлигини ва ҳиндистонлик ҳар бир фуқаро унга тўла амал қилиб келаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Дарҳақиқат, Ҳиндистон мустақиллик йиллари мобайнида фан, халқ таълими ва ижтимоий тараққиёт соҳаларида ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритди. Дипломли мутахассисларнинг умумий сони бўйича у дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳинд физиклари, врачлари, тарихчилари ва иқтисодчилари дунё фанининг турли соҳаларида катта обрў ва эътибор қозондилар ва унинг ривожи учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат мамлакатда чуқур иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш режасини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Бундай сиёсатни мамлакатдаги барча соғлом кучлар қўллаб-қувватламоқда. Ҳиндистонда 90-йилларнинг бошларида вужудга келган иқтисодий вазият бозор муносабатларини ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб берди. Ҳиндистон ўз иқтисодини бозор эҳтиёжларига янада кўпроқ мослаштиришга ҳаракат қилаётганлиги кўпчилик давлатларнинг диққатини жалб қила бошлади. Мамлакат ўз иқтисодий қудратини тиклаб олди, бу эса ички сиёсий муҳитнинг анча барқарорлашувига олиб келди.

Ҳиндистон иқтисодий имкониятларининг ўсиб бориши ва ижтимоий тараққиёт соҳасида эришилган сезилларли ютуқлар унинг халқаро обрўсининг мустаҳкамланиши учун ҳам керакли шароит яратди. Қўшилмаслик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири бўлган Ҳиндистон муҳим халқаро масалаларни ҳал қилишда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, дунёда тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш, Ҳинд океанини тинчлик минтақасига айлантириш, янги адолатли халқаро иқтисодий тартибларни жорий қилиш каби долзарб масалаларга у ниҳоятда масъулият билан қарамоқда.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида муайян ютуқларни қўлга киритган Ҳиндистон тажрибаси назаримизда эндигина мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлатлар, хусусан, Ўзбекистон учун маълум даражада ибратлидир. Чунки кўп жиҳатдан мамлакатларимизнинг ўхшашлик томонлари бор. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги чуқур илдизга эга бўлган дўстона муносабатлар икки давлатнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига яхши асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб юқори босқичга кўтаришда иккала мамлакат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари муҳим роль ўйнади. Айниқса, 1994 йилнинг 3-5 январида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз делегациясининг Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида янги муҳим босқич бўлди. Ушбу сафар чоғида турли соҳалар бўйича имзоланган меморандум ва битимлар ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка янги имкониятлар яратади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда вужудга келган сиёсий ва иқтисодий муҳит Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш учун асос бўла олади. Икки халқ орасида бир-бирига интилиш ҳисси кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳиндистонда давлат тизимидаги турли ташкилотлар ҳамда хусусий фирмаларнинг вакиллари, ишбилармонлар, илмий-маданий соҳаларнинг намояндалари мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳоҳиш билдирмоқдалар. Бундай интилишни ушбу сатрлар муаллифи яқинда Ҳиндистонга қилган илмий сафари чоғида чуқур ҳис этди. Бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатларда ҳинд ишбилармонлари, зиёлилари республикамиздаги сиёсий, ижтимоий аҳвол тўғрисида, иқтисодий ислоҳотларнинг қай тарзда амалга оширилаётганлиги, чет эллик ишбилармонлар учун қандай имтиёзлар берилиши ва бошқа кўпгина мавзуларда мурожаат қилдилар. Бундай қизиқиш менда, бир томондан, келажакда алоқаларимизнинг янада ривожланишига ишонч туғдирган бўлса, иккинчи томондан, Ҳиндистон кенг жамоатчилигининг ҳозирги Ўзбекистон ҳақида, айниқса ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, чет эл инвестициялари учун қандай қулайликлар яратилганлиги тўғрисида тўла маълумотга эга эмасликлари бизнинг бу соҳадаги ишларга кўпроқ эътибор беришимиз кераклигини кўрсатди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан буён унча кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий, илмий-техник алоқалар йилдан-йилга ривожланиб, кенгайиб ва янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Ўтган 1994 йилда бу борада амалга оширилган ишларнинг ўзи ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бутун дунёда Ҳиндистонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бошқа давлатлардаги халқларнинг эътиборини бу катта давлатнинг тараққиёти йўлида, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги мураккаб вазифаларни ҳал қилишда тўплаган тажрибалари ўзига жалб қилмоқда. Ҳозирги Ҳиндистон олдинга қараб интилмоқда. Бу ҳаракат йилдан-йилга тезлашиб боряпти.

Бахтиёр ОБИДОВ,
ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

Бошимга савдо тушди

ЧИҚАРИБ ЮБОРИШДИ

Ота-онамнинг уйида яшардим. Уч нафар фарзандим бор. Онамнинг вафотидан кейин уйнинг «эга»лари қўпайди. Синглимнинг эри Файзулла Қаюмов асосий даъвогар бўлиб қолди. Бўлмасам уларнинг Акмал Икромов туманида дангиллама уй-жойлари бор.

Уй гавгоси чиққандан бери ҳаловат йўқ. Қуёвим, синглим бошимга не кунларни солишмади. Ана шу ташвишлардан маҳалламиз оқсоқоли ҳам хабардор. Лекин у адолатдан кўз юмаяпти. Жанжал тўпалонлар ҳақида участка милиционерига ҳам айтдим. Туман ИИБга бордим. Уй учун синглим, қуёвимдан калтакланганимдан арз қилдим. Улар экспертга йўлланма беришди.

Маҳалламиз аҳли мен томонда. Чунки улар кимнинг-қимлигини билишади. Қолаверса, 1985 йилдан буён отаонамнинг уйида «прописка»даман. Лекин икки ой бўлдики, зур-базўр қайнимникида яшаяпмиз. Зўрлаб чиқариб юборишди. Синглим муаллим бўла туриб шу ишни қилди-я!

Ҳолида РЎЗИЕВА,
Тошкент вилояти Назарбек жамоа хўжалиги.

УЙСИЗ ҚОЛДИК

Бахтсиз ҳодиса туфайли ёнгин чиқиб, 1992 йил 17 февраль куни уйимиз, барча жиҳозлар ёниб кетди. Биз эри-хотин уч нафар фарзандимиз билан кўчада қолдик. Бундан хабар топган шаҳар ҳокими муовини Улуғбек Отабоев ҳамдардлик билдириб, ҳокимият буйруғи билан бизларга уч хоналик квартира ажратган эди. Қишнинг совуқ кунидан омон чиқиш учун Янги Марғилон шаҳрининг Янги Фарғона кўчасидаги бир хонали 24-уй 3-квартирани беришди. Вақтинча.

Орадан ойлар, кунлар ўтиб баҳор келди. Куз ва яна қиш келди. Биз ҳокимиятга қатнай-қатнай оёғимизда оёқ қолмади. Ҳокимиятда уй-жой билан таъминлаш бўлими бошлиги Мамажонов бизга комиссия бориб, ёнган уйларингни кўради, сўнг жой ажратамиз, деб ваъда берди. Яна ойлар, кунлар, йиллар ўтди. Биз беш жон шунга шукур, деб яшаётган бир хоналик уйимизга «эгалар» чиқиб бўшатинглар, ордерларинг йўқ экан, дея ҳайдашга тушишди. Ички ишлар ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилсак «пропискасиз ўтирганларинг учун, деб 1993 йил 8 минг сўм-купон жарима солди.

Биз ишчи бўлиб ишлаб келамиз. Хотиним 17 йилдан бери Марғилон «Атлас» бирлашмасида тўқувчи. Катта қизим Наргиза уйда жой етишмаслиги туфайли қайнонамникида туриб, ўша ердан мактабга қатнайди. Акбаржон ўғлим «ордер» йўқлиги сабабли 1-ЖЕК бизга маълумотнома бермагани сабабли мактабдан қолди.

Охири яна ҳокимиятга мурожаат қилдик. Ҳоким муовини Юлдуҳон Олимова эса бизга уй материаллари берамиз деган ваъдани берди. Лекин униям бажармадилар. Қачонгача кутамиз.

Алижон МАМАДИЕВ,
Фарғона вилояти.

Савол: Биз 10 сотих ерни ижарага олиб, деҳқончилик қилган эдик. Шартномамизга биноан хўжаликка гектаридан 8 центнердан ҳосил топширишимиз керак эди. Аммо 14 центнердан ҳосил олдик. Ортиқча 6 центнерни хўжалик бермаётибди.

А. ҚОСИМОВ,
Когон тумани.

Жавоб: Сиз шартномага асосан келишилган қонуний ҳосил миқдорини берасиз. Агарда ундан ортиқчаси бўлса, ҳосил сизларга қолиши керак. Мабодо хўжалик қаршилик кўрсатса, шартномани даъво билан туман ёки вилоят судига топширасиз. Ҳақиқат барибир сиз томонда.

ҲАК-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Ўғлим хотини билан бошқа уй олиб кўчиб кетди. Мен уни уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишим учун нима қилай? Ахир у бир йилдан бери яшамайди-ку?!

З. АҲМАДЖОНОВА,
Самарқанд шаҳри.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 67-, 68-моддаларига асосланиб, агарда ўғлингиз 6 ойдан ошиқ бошқа жой олиб яшаётган бўлса уни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш учун судга берасиз.

***

Савол: Уч ой муддат билан танишимга 8 минг сўм қарз берган эдим, бу тўғрида ёзма тилхати ҳам бор. Лекин у пулни қайтариб бермаяпти...

С. ҚАҲҲОРОВА,
Қўқон шаҳри.

Жавоб: Ўша тилхатни олиб, сиздан қарз олган фуқаро истиқомат қилаётган судга даъво аризаси берасиз. Тилхат тўғри бўлса, суд кўриб, ундан ундириб беришга ёрдам беради. Аслида бундай катта суммаларнинг олдибердиси нотариал идоралар орқали тасдиқланган бўлиши керак.

***

Савол: Отамдан қолган эски ҳовли ва уй бор. У ерда акамнинг ўғли яшайди. Мен мерос қилиб ўша жойни ўзимга олишга ҳаққим борми?

П. УСМОНОВ,
Тошкент шаҳри.

Жавоб: Сиз Ўзбекистон Республикаси гражданлик кодексининг 579-моддасига асосан қонуний меросхўр ҳисобланасиз. Бунинг учун уйнинг ҳамма ҳужжатларини, агар ҳужжат йўқолган бўлса, уйнинг отангиз олганлигини тасдиқловчи гувоҳлар билан Тошкент шаҳар нотариал идорасига мурожаат қиласиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Мухбиримиз бонг уради

ЛОҚАЙДЛИК — ИШИМИЗГА ТУШОВ

Уруш қатнашчиси, 75 ёшли отахон Нурмуҳаммад Бегимов билан Дўстлик тумани ҳокимлигида учрашиб қолдик. Оқсоқол юраги тўлиб юрган экан, шекилли, дардларини тўкиб солди.

Узоқ йиллар чўлда меҳнат қилиб, қариганда ҳузур қилай деган ниятда «ГАЗ—24 Волга» олган экан. 1990 йил ёзида уни сотиб, ўзининг ва тўрт нафар фарзандининг жамғармаларини қўшибди-да, Жеттисой бозоридан 20 бош зотли сигир ва 5 бош новвос олиб келибди.

Туманнинг «Оқолтин» ижара ширкатлари бирлашмаси ҳудудида «Селхозтехника» деган идоранинг қурилиши чала қолган муъжаз устахонасини қуриб битказибди ва дурустгина молхонага эга бўлибди. Молхонаси Рашид Нурлибоев бошлиқ бригадага қарашли тўртта пайкал ўртасида бўлгани учун яйратиб боқиш иложи бўлмабди. Лекин бойловда боқса ҳам ўша йили давлатга 20 тонна сут ва 3 тонна гўшт етказиб берибди. Сутнинг ва гўштнинг пулига яна 10 бош сигир сотиб олибди. 1991 йили ана шу шахсий фермасидан 60 тонна сут топширибди.

Суҳбатимиз шу ерга келганда фермернинг мижжаларида ёш йилтирагандай бўлди. Сўнг тушкун бир руҳда ҳикоясини давом эттирди:

— Ер беринглар, деб бормаган жойим қолмади. Аввалига ҳеч ким қулоқ солмади. 1992 ва 1993 йилларда 30 бош ғунажин ва буқаларимни сотиб юбордим. Лекин ер сўраб чарчамадим. Бултур раҳбарлар «Шу чоллдан қутилайлик» дейишдими, 15 гектар ер беришди. Бундай дейишимнинг сабаби, менга берилган ер фермамдан бир неча чақирим узоқ эди. Бунинг устига бирлашманинг шахсий уй-жойлар қурилаётган янги мавзесида эди. Одамлар ўз хусусий молларини ҳайдаб юборишади. Нима экманг, барибир пайхон қилиши, еб битириши турган гап. Бунга кўзим етсада, бир неча танишларим билан келишиб, шерикчиликка тарвуз экдик. Пулига ем-хашак оларман деб ўйлагандим, бўлмади — аҳоли молидан қуриқлаб ололмадик. Уруққа ҳам қуйдик.

Ҳозир қарамоғимда 60 бош қорамолим бор. Бултур тайёрлов идорасига 22,6 тонна сут топширдим. Яна 12 тонна сутни туман йўл-қурилиш ва қишлоқ хўжалик кимёси идораларига сотдим.

Туман ҳокимлигига ҳам, вилоят ҳокимлигига ҳам фермам атрофидан ер беришларини сўраб, бир неча марта мурожаат қилдим. Яқинда туман ҳокимлигига яна бир бор ариза ташладим. Тасарруфимдаги ерни қайтариб олишсин, молларимни ҳам сотаман. Икки орада фарзандларим ва келинларимни ҳам қийнаб қўйдим. Урушдан қайтаётганимда қолган умримни элюртга астойдил хизмат қилиб ўтказай, деб аҳд қилган эдим...

Деҳқон-фермерни тинглаб, юртбошимиз Ислом Каримовнинг яқинда Навоий вилоят кенгаши сессиясида айтган сўзларини эсладим: «Раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, моддий ва маънавий қўллаб-қувватламаслиги туфайли фермер хўжаликлари, жумладан, ўтган йили Томди туманида бешта фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган». Жиззахда ҳам бор экан шундай ҳол! Ҳа, лоқайдлик ишлар ривожига тўсиқ бўляпти.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Яқинда Навоий — Ленин йўли — Тўрткўл — Нукус темир йўл линияси қурилиши бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисини транспорт билан таъминлашга хизмат қилади. Бунинг натижасида республикамизнинг темир йўл тармоғи бутунлиги таъминланади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра қурилишга кетган харажатлар бор-йўғи уч йилдан қопланар экан. Бу фақат юк ташиш ва йўловчиларни ўз манзилларига элтиб қўйиш туфайлигина амалга ошади.

Суратда: темирйўл қурилишида ишлаётган моҳир ҳайдовчи Собир Султонмуродов.

А. МУРОТОВ, (ЎзА) олган сурат.

ҚЎҚОН МУСАВВИРЛАРИ

Қўқон нафақат шоирлар, балки рассом ва ҳайкалторошлар ватани ҳамдир. Ҳозирги пайтда бу қўҳна шаҳарда кўплаб шу соҳа соҳиблари ижод қилмоқдалар. Албатта, вилоятларда яшаётган мусаввирларнинг ўз асарларини пойтахтда намойиш қилишлари қийин. Яқинда китоб савдоси шаҳар идораси ва ўлкашунослик музейи шаҳардаги китоб дўконларидан бирининг катта залида қўқонлик мусаввирлар яратган сурат ва ҳайкаллар кўргазмасини ташкил қилди. Кўргазмадан жой олган 50 дан зиёд ранг-тасвир асарлари гипс, тош, сополдан ишланган турли бюст ва ҳайкалчалар томошабинларда катта қизиқиш уйготди.

Кўргазма ташкил этилган дўконда санъат асарларини сотиб олиш мумкин. Унинг совғалар бўлимида эса халқ амалий санъати буюмлари жой олган. Кейинчалик бу ерда адабий ва мусиқавий кечалар, янги китоблар, шунингдек санъат асарлари тақдимномалари ўтказилади.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот чорраҳаларида

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтаётган Ўзбекистон қулай табиий шароити, ерости ва бошқа моддий бойликларининг кўплиги туфайли хорижлик сармоядорлар эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, дунёдаги ҳеч бир давлат чет эл инвестициясисиз тараққий этолмайди. Шу жиҳатдан иқтисодиётимизга чет эл моддий-техникавий ёрдами қанчалик кўп кириб келса, шунча яхши.

Республикамизда мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёни жадал суръатлар билан бормоқда. Бугунги кунда мулкни қадрлаб, ундан самарали фойдалана оладиган тадбиркорлар қўлига топширмасдан туриб ислоҳотларни рўёбга чиқариш, турмушимизни изга солиш мумкин эмаслигини кўпчилик тушуниб қолди.

Агентлигимиз мамлакатимиз иқтисодига чет эл капитали ва хорижий технологияларни жалб этиш билан шуғулланади. Хорижий давлатлар, ҳуқуқий шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл фуқаролари республикамизда хорижий инвестор сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Уларнинг ҳуқуқлари «Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари билан ҳимояланган.

Миллий агентлигимиз хорижий мулкдорларга офис танлаш, кўргазмалар ташкил этиш, республика қонун-қоидалари тўғрисида тушунчалар бериш, ўзлари хоҳлаган корхона, савдо ташкилотлари ҳамда бошқа муассасалар раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш каби ишларда яқиндан ёрдам беради. Ўзбекистон қонунларида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил шароит яратиб берилганлиги чет элликларнинг эътиборини қозонмоқда.

Ҳозир республикамизда хорижий шериклар билан ҳамкорликда 1400 дан зиёд қўшма корхоналар барпо этилди. Қўшма корхоналар акцияларига эгалик қилишда хорижий шериклар учун белгиланган чегаралар олиб ташланганлиги ҳам чет эл капитали иқтисодимизга дадил кириб келиши учун қулай имкониятлар яратди. Бугунги кунда баъзи қўшма корхоналарнинг 30 фоиздан 70 фоизига яқин акциялари хорижий шериклар қўлидадир.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан бир неча халқаро дастур лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Уларни амалга оширишда БМТ, Оврўпо Ҳамдўстлик комиссияси, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги, Олмония техника марказаси каби йирик нуфузли халқаро ташкилотлар бош қўшмоқдалар.

Бизда чет эл сармоядорларини ҳамкорлик қилишга даъват этувчи қатор соҳалар мавжуд. Кўмир, нефть ва газ саноатини ривожлантириш, машинасозлик, металлургия комплекси, автомобилсозлик, хом ашё ва маъданлар қазиб олишни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш каби тармоқлар шулар жумласидандир.

Республикамизда «ДЭУ корпорейшн», «РЭНК Ксерокс, Буцрсель», «Буллер», «Мерседес-Бенц», «Кока-кола», «Пепси-кола», «БАТ-инвестментс» каби жаҳоннинг машҳур фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Бу корхоналарнинг дастлабки маҳсулотлари республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам ўзининг рақобатбардошлиги билан эътибор қозонмоқда.

Яқин келажакда хорижий шериклар билан саноатнинг асосий тармоқларини қайта жиҳозлаш ва юздан зиёд янги корхоналар қуриш ишлари режалаштирилган. Жумладан, пахтачилик саноати, Сирдарё электр станцияларини қайта жиҳозлаш, мебель ва сантехника заводлари қуриш мўлжалланаяпти.

Янги техника ва технологияни бошқариш учун албатта малакали мутахассислар зарур. Ҳозир кўплаб ёшларимиз Туркия, Олмония, АҚШ, Қурия каби мамлакатларда малака оширмоқдалар. Ватан тараққиёти ана шу ёшлар қўлида.

Ишончим комилки, тез орада режаларимиз амалга оша борган сари мамлакатимиз тараққиёт сари юз тутиб, турмушимиз фаровонлашади. Юртимиздаги тотувлик, халқимизнинг келажакка умидворлик билан амалга ошираётган самарали меҳнати бунинг энг муҳим омилидир.

Б. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар миллий агентлигининг бош директори, профессор.

МУҲТАРАМ ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси қошида Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги ишлаб турибди. Бизнинг агентлигимиз Сизга республикада олиб борилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари буйича зарур барча маълумотларни беради, у ёки бу объектни сотиб олишда ёки корхоналар ривожига сармоя қўйишга кўмаклашади, шунингдек, мол-мулк харид қилишингизда Сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент 70008, Мустақиллик майдони, 6. Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги.
Телефон: 39-42-05, 39-48-42.
Факс: 39-49-66.
АЗИЗЛАР, ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

Dear Sirs:

The National Real Estate and Forelgn Invesunent Agency is open for business. Our main objective is to assist investors as they enter Uzbekistan. Formed by the Committee for State Property Management and Support of Entrepreneurship the Agency will provide information, help with applications, licenses and arrange meetings. Your success is our reward.

If you are interested in more information please contact us at:
6, Mustakillik Maidoni, Tashkent, 7000008 (NREFIA)
Phone: 39 42 05; 39 48 42
Fax: 39 49 66
WE ARE GLAD TO HELP YOU!

Қонун устиворлиги йўлида

ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён қонун устиворлигини таъминлаш йўлида жиддий қадамлар қўйилди. Натижада тартиббузарликлар бирмунча камайди. Буни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар ўтган йилни олсак оғир жиноятлар қарийб олтмиш фоизга камайган. Содир этилганларини очиш даражаси ҳозирда уч баробар ошди.

«Давлатобод» қишлоғида яшовчи Аҳмад Бекматовнинг бедарак кетганлиги тўғрисида бизга хабар қилишди. Тезкор ходимларимиз ўша заҳотиёқ қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Маълум бўлишича, А. Бегматов илгарилари ҳам ойлаб уйига келмай юрган. Сўнгги мартасида онаси хавотирга тушиб, бизга мурожаат қилган. Ҳаммаси аниқланди. Бегматовни биринчи хотинининг ака-укалари ўлдириб, сўнг ариқ остига кўмишган экан. Қотиллар ушланди.

Гиёҳвандликка қарши кураш йил ўн икки ой давом этади. Биз ҳар йил февраль ойидаёқ одамларга айтамиз, тушунтирамиз: Ҳозир қонунларимиз мустаҳкамланди. Энди кимки наркотик модда етиштирса, сотса ёки сотиб олса қаттиқ жазоланади, шафқат қилинмайди, деймиз. Бу огоҳдан кўп одамлар тўғри хулоса чиқаришди. Лекин пул деса ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар учраб турибди. «Боғизағон» ижара хўжалиги марказида ВАЗ—21063 маркали Д 04—66 СН давлат белгили автомашина тўхтатилиб, текширилганда Самарқанд шаҳрида яшовчи Мирёқуб Махсумовнинг идишидан 500 грамм миқдорда марихуанна наркотик моддаси топилди.

Тўғриси, янги Жиноят Кодекси лойиҳасининг қабул қилиниши катта иш бўлди. Чунки, янги қонун давр талабидан келиб чиқиб тайёрланган. Таъбир жоиз бўлса, қонунларимиз энди мукаммаллашди. Бу эса ҳуқуқий давлатимизни янада мустаҳкамлайди.

Абдусалом РАЖАБОВ,
Тойлоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

Дил изҳори

БУГУННИНГ АЁЛИ

Дилбар САИДОВА

Аёл... Унинг мафтункор ҳусну жамоли, қадди-қомати, унинг оламча меҳру муҳаббат, оламча нафрат бирдай жойлана олгувчи сир-синоатли қалби ҳамиша, ҳамма даврда инсониятнинг не-не буюк даҳолари фикру ўйини, диққат-эътиборини, ҳайрату шавқини худдики дуру жавоҳирдек ўзига тортгани тортган. Ақлу шууру, фикру тариқати Дунё ва Вақт чегараларини ёриб ўтолган, ўзиб кетган донишманд файласуфлар Аёлни гоҳ олқишлаган, гоҳида унга панду насиҳатлар қилишган, гоҳида эса лаънатлашган. Назму ашъорлари чексиз кўкни қамрагувчи бирон қаламкаш йўқки, ўз ижодида аёл қалби, қиёфасини тараннум этмаган, ундан ҳайратланмаган бўлсин.

Аёл эса, меҳрнисор, маъсума, дардкаш Аёл эса ҳамиша, ҳамма даврда, ким бўлмасин — у эл-юрт ҳоқоними, ё олиму фузаломи ва ё уй бекасими ҳеч бир миннату иллатсиз, ҳеч бир далилу даъвосиз ўзининг бу қадим оламдаги оддий ва шу даражада муқаддас вазифасини — Оналигини адо этгани-адо этган... Оналик ранжу озорини, заҳмати, машаққатини чеккан ва шу йўсин руҳан юксалган Аёл ўзини чинакам Ер фарзанди деб ҳис этади, у чиндан ҳам Ер каби хоксор, Ер каби саховатли, Ер каби жонбахш, табаррук зотдир...

Бизнинг замондош, елкадош, тақдирдош аёлларимиз.... Уларнинг бугуни... Уларнинг ҳар бири бундан атиги икки-уч, тўрт йилгидан кўра ўзгача — Дунё ҳақидаги тушунчалари ўзгача, ҳаётга қарашлари ўзгача, ўзларини тутишлари ўзгача... Кийимбошлари ўзгача... Аёл-чет эллик йирик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган улкан қўшма корхонанинг директори, аёл — фермер хўжалиги раҳбари, аёл — фирма президенти, аёл —туман ҳокими, аёл — парламент аъзоси, аёл — санъаткор... Аёлларнинг ўз тақдирлари бу рангин ва мураккаб ҳаёт ҳақдаги фикрлари ҳам турлича...

— Мен Қуръони Каримни бошданоёқ ўқиб чиқдим — оламча мазмун топдим, қайтадан туғилгандек бўлдим...

— Эрим ҳижобга ўралгин, деб қўймаяпти, мен эса қандай йўл тутишга ҳам ҳайронман...

— Энг муҳими, Оллоҳ Таолонинг сўзлари, дилинг, эътиқодига айланса бўлгани, ўқиш-ишингни давом эттираверишинг керак. «Дил ба Ёру даст ба кор», — дейишган-ку...

— Модомики ўзлигига қайтаётган халқ эканмиз, бу муқаддас ҳаракатдан биз — аёллар ҳам ортда қолмаслигимиз, ўз меҳнатимиз, билимимиз билан ҳисса қўшишимиз керак...

— Аёлни аёллигига, оналигига қайтариш, бунинг учун унга имкон, шарт-шароит яратиш керак...

— Аёл ҳамма ишни бемалол саристалай олади. Жумладан раҳбарликни ҳам ишониб унга топширавера бўлади...

— Аёл меҳрга, муҳаббатга, инсоний муносабатга, бир оғиз ширин сўзга зор...

Бу турфа овозлар аёл масаласи бугунги кунда яна ҳам ўткирроқ, долзарброқ эканлигини таъкидлаётгандек бўлади. Мустақил Ўзбекистон аёлининг йўли қандай бўлмоғи керак? Жамиятдан четроқда, паранжи-сочвонга ўроғлик ҳолда — эрга, фарзандларига, рўзғорига мутлақ тобе ва қарам бўлсинми? Ё Европа, Америка сингари энг ривожланган мамлакатлар аёллари сингари ҳоҳласа оиладан бутунлай озод бўлиб, кўнгил йўриғига эрк бериб ҳаёт кечириши лозимми? Яқин ўтмишда — социализм ва ё коммунизм деб аталган даврларда бизга доимий равишда таъкидлашганидек, ўзбек аёлининг паранжи-сочвонни гулханга отиб, юзини очиб юбориши оппа-осонгина кечган эмас. Ўз табиатига кўра, қалбан ҳамиша, ҳамма даврларда ҳам мусулмон бўлиб қолган ўзбек аёли босиқ, вазмин, мулоҳазали, андишали, шарм-ҳаёли, эътиқоди мустаҳкам... Паранжи-сочвонни бошдан юлиб оловга отиш, юзни очиш аёл қалбида жуда қийин, жуда оғриқли, жароҳатли ҳис-туйғуларга қоришиқ тарзда кечган...

Яқин қариндошларим ҳаётида юз берган шундай воқеани эшитганман — янги тузум фаолларидан бири бўлган ўғил ўз онасига кўп марталаб паранжи-сочвондан воз кечишни маслаҳат берган, талаб қилган, лекин сўзи ерда қолаверган. Шунда коммунист ўғлон охирги чорани қўллаган — онаси кўчадан ҳовлига кириб келаётганда орқадан билинтирмайгина келиб паранжисининг қўйи қисмидаги попукли енгларига гугурт чақиб юборган. Она ловуллаб ёнаётган паранжини бошдан юлиб отишга зўрға улгуриб қолган. Она жондан азиз ўғлинингбу ножоиз қилиғини сўнгги қазо муддатигачаям кечирмай ўтган экан...

Бу воқеани мен нега қайтадан ёдладим? Ўзбек аёлининг ҳаёти, менинг назаримда, ўз табиий оқимида кечавериши керак... Бу борада аёл зиммасига сунъий мажбурият юкланмаслиги лозим. Қай бир аёл бошига оппоқ, ҳарир рўмолни илиб, фариштадек бўлиб ўзини оиласига, эри, фарзандларига бағишлашни хоҳлабдими? Майли, уни ўз хоҳишига қўяйлик, аслини олганда аёл учун ўзини оналикка бағишлашдан ортиқ саодат йўқ! Қай бир аёлнинг кучқуввати, ақлий салоҳияти оила чироғини ёқишга ҳам, жамият хизматини ўринлатишга ҳам етиб ортадими? Майли, йўлидан қолмасин, аёл мустақил Ватаннинг мустақил фуқароси сифатида ҳаётимизни мукаммал даражага етказишдек қутлуғ ишга отланибдими, бунинг нимаси ёмон? Ўзбек аёли илмли бўлса, ҳунар эгалласа, бирор соҳанинг заргари даражасига эришса, маданиятли бўлса, санъатни тушунса, қадрласа — келажагимиз эгалари фарзандларимиз ҳам худди шу оналари даражасида ўсиб камолга эришадилар...

Маълумки, ҳар бир даврнинг ўз яловбардорлари, қаҳрамонлари, юлдузлари бўлади. Бизнинг юлдузларимиз... Шу яқин ойлар ичида мен уларнинг айримлари билан суҳбатлашишга муяссар бўлдим. Уларнинг номлари, уларнинг бугунги кундаги меҳнати, шони-довруғи Ўзбекистон аҳлига жуда яхши таниш, жуда қадрли.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова... Вужуди, ҳар бир қадами, қўл ҳаракатлари, чеҳраси, табассуми, овозидан қўшиқ, оҳанг ёғилиб, таралиб тургандек... Кўз тегмасин, мамлакатимиз истеъдодларга бой, бири-биридан зўр, ўзар... Лекин Юлдуз — ўзгача. Шу сатрларни ёзаяпман-у қулоғим остида севимли хонанданинг овози:

Сени осмонимга олиб кетаман,
Сени осмонимга олиб кетаман...

У ҳар бир қўшиғи билан сизу бизни — ҳаммамизни ўзи яратган, ўзи кашф этган дунёси — санъатига олиб кетади. Мағрур, ўктам Аёл овози юрагингизда, жисму жонингизда ғалаён пайдо қилади, қалбингизда жонланиш, яшариш, юксалиш юз беради...

Ҳақиқий санъатнинг муқаддас, юксак вазифаси аслида шу...

— Биласизми, шу кунларда ўйҳаёлим нималар билан банд, — дейди у, — тобора кўпроқ, яна ҳам яхшироқ қўшиқлар яратсам... Меҳнату тирикчилик ташвиши билан банд халқнинг дилига, дардига, малҳам бўлсам дейман...

— Юлдузхон, ўрни келганда бир гапни сизга айтиб олай, гарчанд қўшиғингиз осмонларни қамраб олса-да, инсон учун барибир Ер яқинроқ, иссиқроқ, афзалроқ эканлигини унутмасангиз бўлди — дегим келади унга...

Беповён ҳудудли, кўп миллатли, кўп сонли, аҳолининг дард-ташвиши ҳам айнан шунга яраша, бошқарилиши ҳам айнан шунга кўра машаққатли, мураккаб Самарқанд тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати — Раҳимахон Ҳакимова... Яқинда бўлиб ўтган республика хотин-қизларининг навбатдаги пленумида Раҳимахон айни кунларда туманда халқ фаровонлиги, халқ соғлиғи, халқ бахт-саодати йўлида бажарилган ва қилинаётган қатор юмушларни бирма-бир санаб ўтди. Раҳимахон пленумда — «Бугунги кунда қишлоқларимиз 100 фоиз газлаштирилди, тоза ичимлик сув билан таъминлаш 96 фоизга етказилди, — деган сўзларни айтганда, залдаги аёллар уни олқишлашди. «Қанийди ҳокимларимизнинг барчаси ҳам ана шундай тадбиркор, меҳрибон бўлишса, ҳаётимиз аллақачонлар тараққиёт йўлига чиқиб олармиди», — деган фикр Раҳимахондан кейин минбарга кўтарилган ҳар бир аёлнинг сўзида қайта-қайта таъкидланди...

... У билан сўзлашарканман бу ушшоққина жуссага бу қадар кучқудрат, ғайрат қандай жойлашганикин, — дея ўйлардим. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани «Хуршид» фирмаси директори — Муътабар Жабборовани ҳам бугунги кунимиз, бугунги замонамиз юлдузлари сафига муносиб кўрдим...

— Қандай қилиб «Мария Лопес» даражасига эришдингиз» — савол бераман унга.

— Ўн беш йил математика ўқитувчиси бўлиб ишладим. Бир бахтсиз ҳодиса сабаб — касб-корим ўзгариб кетди, — дея ҳикоя қилади Муътабар. — Бешинчи ўғлим Хуршиджон билан автомобиль ҳалокатига йўлиқдим... Тўққиз ойлик бегуноҳ ўғлим оғир жароҳат олди. Энди доимий равишда уйда бўлишим, ўғлимга қарашим керак эди... Фаолиятсизликка ўрганмаган одамман. Уйда ўтириб ҳам бажаришим мумкин бўлган ишларни бирма-бир хаёлдан кечираранман, — кўйлак, чопонлар, кўрпа-кўрпачалар бичиш-тикишни, зардўзликни, попопчиликни билишимни эсладим. Дастлаб ён-атрофдаги қўшни қизларни чақириб қўлимдан келадиган ҳунарларни уларга ҳам ўргатдим. Шундай қилиб 1992 йилда тикувчилик цехини очдик. 1993 йилда эса цехни кенгайтириб 10 та тикув машинаси сотиб олдик. Цехимиз энди «Хуршид» номидаги миллий кийимлар ишлаб чиқарувчи фирма деб атала бошлади. Ҳозир фирмамизда 35 аёл ишлайди. Ўртача ойлик 600-700 сўм. Ишни дастлаб ойлиги 100 сўм пул билан ташкил қилган бўлсак, ўтган йилнинг биргина декабрь ойини 250 минг сўмлик фойда билан якунладик...

Ишбилармонларнинг йўли равон бўлган даврда яшамоқдамиз. Бу соҳа зийрак ва теран ақлли, олтин қўлли аёлнинг иштирокисиз ўз равнақини топиши қийин. Ишбилармон аёллар ўзимизнинг «Мария»лар кўпайса, уларнинг йўллари ёрқинлаштириб юборилса нақадар соз бўларди...

Модомики аёл қиёфаси, қалби ҳақида гап кетаркан, яна бир масала хусусида фикр билдириш ўринли, деб ҳисоблайман... Бугунги аёлнинг одоб-ахлоқи... Бу ҳақда кейинги пайтларда ташвишланиб, куйиниб гапиришаяпти. Назаримда уларнинг аксарияти оҳангида аёлга — Она зотига нисбатан меҳр, муҳаббат, шафқат сезилмайди... Турмуш чорраҳаларида қоқилган, адашган, йиқилган аёлларни бадном этиш, қарғаш, аёвсиз жазога маҳкум этиш уларни баттар ботқоқликка ботириш руҳи устивор бу «ташвишлар»,»куйинишлар» замирида... Қоқилган, адашган, йиқилган аёлни суяб ўрнидан турғазиб қўйиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, тўғриликка йўллаш, дардига малҳам бўлиш, мард инсонларнинг иши эмасми?!

Бугунги Аёл — Она... Дунёга яхшиликлар бахш этсам, дейди, яна тағин Дунёдан яхшиликлар кутади, истаги, илинжи, мақсади — оламда тинчлик барқарор бўлса, турмуш фаровон бўлса, фарзандлар камолини кўрса...

Диққат, танлов!

«МАРДЛИК - МАНГУЛИК»

Бундан 50 йил аввал немис фашистлари устидан қозонилган ҒАЛАБА куни — 9 майда ярим дунё бир қалқиб тушгани рост. Чунки ўша лаҳзаларда уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрганлар, кечирганлар омон-омон кунлар бошланганидан суюниб, бир-бирларини қучоқлаб Ғалаба билан табриклаган. Бу йил эса...

Ғалабанинг эллик йиллик байрамини Ҳамдўстлик мамлакатларининг деярли ҳаммаси қутлуғ сана сифатида нишонлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти "Мардлик - мангулик" деб номланган ижодий

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Унда иштирок этувчи муаллифлар ўзбекистонликларнинг уруш йилларида ва фронт ортида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари, чеккан заҳмату қувонч-изтироблари ва ҳозирги кунда ҳам сизу биз билан елкадош ҳамда ҳамнафас бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида тер тўкаётган уруш қатнашчиларининг ҳаёт фаолияти хусусидаги асарлар (ҳикоя, шеър, қўшиқ, радиопьеса, публицистик мақолалар, сурат - лавҳалар ва телекўрсатувлар) танловга тақдим этилади.

Танловда ғолиб деб топилган ижодкорларга бериладиган мукофотлар:

БИРИНЧИ МУКОФОТ - 10 минг сўм.
ИККИНЧИ МУКОФОТ - (иккита) 5 минг сўмдан.
УЧИНЧИ МУКОФОТ - (учта) 3 минг сўмдан.
5 та рағбатлантирувчи мукофот - 1000 сўмдан.

Тақдим этиладиган материаллар (жанрига қараб)қуйидаги манзилларга шу йилнинг 20 апрелигача юборилсин:

ТОШКЕНТ - 700011, НАВОИЙ КЎЧАСИ, 69-УЙ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ, "ЁШЛИК" ТАҲРИРИЯТИ.

ТОШКЕНТ - 700047, ХОРАЗМ КЎЧАСИ - 49, ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ "ЁШЛИК" ТАҲРИРИЯТИ.

ТОШКЕНТ - 700083, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ, "МАРДЛИК-МАНГУЛИК" ТАНЛОВИГА.

Мурожаат учун телефонлар: 44-00-21,. 33-92-12, 33-07-20.

ИЁ, ЙЎҚ ЕКИ НАҲОТКИ?!

ҚАРИЯЛАР УЧУН АЛОҲИДА ИМТИЁЗ

ЖАҲОНДАГИ турли шаҳарлар сингари Пекинда ҳам кўчани фақат махсус белгиланган жойидан кесиб ўтиш тартиби мавжуд. Аммо Хитой пойтахти қариялари учун эса... алоҳида имтиёз белгилаб қўйилган, яъни етмиш ёшдан ошган кексалар кўчани ўзлари хоҳлаган жойидан кесиб ўтишлари мумкин. Бу вақтда ҳайдовчилар машиналарини тўхтатиб туришлари шарт.

ҲАҚИГА ҚАРАБ КУЗАТИШ

ШУНДАЙ пайтлар бўладики, ёлғиз сафарга чиққан одам аэропортда ёки шоҳбекатда бошқа йўловчиларни кузатувчилар доирасида кўриб, ўзини ноқулай ҳис этиши мумкин. Филадельфиядаги маиший хизмат кўрсатиш фирмаларидан бири бу руҳий ҳолатларни ҳисобга олиб, хоҳловчилар учун зўр кўринишли кузатиш маросимини ўтказади. Масалан, фирма ходимаси сафарга отланган кишини кузатаётиб йиғлаши ҳам мумкин, ўпиб хайрлашиши ва поезд ё самолёт ортидан узоқ вақтгача рўмолчасини силкитиб туриши ҳам мумкин. Фақат буларнинг барчаси учун ҳақ тўланса бас.

БЎЙГА ҚАРАБ

КАНАДАНИНГ Торонта шаҳрида болалар жамоат транспортларида бўйларига қараб йўлкира ҳақи тўлашади, яъни транспорт эшиклари олдига 11 ёшли боланинг ўртача бўйига тенг баландликда белги қўйилган. Кимки ўша белгидан паст бўлса, болалар паттаси учун пул тўлайди, баланд бўлса катталар билан тенг ҳақ беради.

«САВОДСИЗЛАРЧА» ЧИҚАРИЛГАН КИТОБ

БУНДАН бир неча йил муқаддам Олмониянинг Штутгард шаҳридаги нашриётлардан бири саҳифадаги матнлари гиж-ғиж хато ўқув китобини босмадан чиқарди. Бундан кўзланган мақсад — ўқувчи билимини текширишдир.

Ўқувчи китобдаги хатоларни қизил қалам билан тўғирлайди, кимнинг китоби кўпроқ бўялган бўлса, ўша ўқувчи билимлироқ эканлиги маълум бўлади.

Яйлов.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

«ПОДШИПНИК» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

буюртма асосида:
— подшипниклар,
— тракторлар фаралари
— пахта териш машиналарининг қамровчи қисмлари.
— аккумуляторлар
ва бошқа моддий ресурсларни

СОТАДИ

Алоқа телефони: 50-84-32, 53-40-14.

МУХЛИСЛАР МАМНУН

«Алпомиш» саройи сўнгги кунларда санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда ўзбек эстрадаси юлдузларининг концерти бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева, хонанда Козим Қаюмов ҳамда ўзининг ёқимли овози билан халқимиз назарига тушган ёш ижрочи Достон Убайдуллаев чиқишларини қўшиқсеварлар олқишлар билан кутиб олишди. Қизиқчи Обид Асомовнинг ичакузди ҳангомалари концерт дастурини янада бойитди.

Истеъдодли режиссёр Алишер Эшонхўжаев томонидан саҳналаштирилган мазкур концерт дастури ўзининг жозибалиги, янги куй ва қўшиқларнинг кулгули ҳангомаларга уланиб кетганлиги билан эстрада мухлисларига манзур бўлди.

С. СОБИРОВ.

ҲАМ ЕРДА, ҲАМ ОСМОНДА ДАВОЛАШАДИ

Қибрайлик Насиба Азизованинг қуричаги қўққисдан ёрилиб кетди. Нима қилиш керак? Унинг қариндошлари тезда Тошкент вилояти шифохонасида жойлашган санитар авиацияси булимига қўнгироқ қилишди. У ердаги тиббий ходимлар Насибанинг ҳаётини сақлаб қолишди...

Биз шифохона ходимларининг амалга оширган савобли ишларидан бир мисол келтирдик, холос.

— Бу ерга 1985 йилда келганман, — дейди бош шифокор К л а р а Шарифбоева. — Икки йил ишлаб ишламай бош бинони санитария талабларига жавоб бермайди, деб ёпиб қўйишди. Шундан кейин бинонинг ҳаммасини қайта таъмирлаб, ишга туширдик. Ҳозир бу ерда даволанаётган беморлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Айни пайтда касалхонада саккизта даволаш бўлим бор. Уларнинг ҳаммаси 380 ўринли бўлиб, йилига саккиз мингдан ортиқ бемор даволанади. Бундан ташқари, шаҳар марказида шифохонамизнинг таҳшис маркази ишлаб турибди. У замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Мутахассислар эса мазкур ускуналарда ташхис қўйиш учун қайтадан ўқитилди. Вилоят туманларидан келган беморлар ана шу марказда текширувдан ўтказилгандан кейин шифохонага етиш учун йўлланма олдилар. Шунингдек, касалхона қошида яна бир неча марказ ташкил қилинди.

Беш йил муқаддам республикада биринчи бўлиб нейрожарроҳлик маркази ҳам ишга туширилганди. Ҳозир бу марказда юздан ортиқ малакали мутахассислар ишлаяпти. Улар Москва, Санкт-Петербург, Харьков, Киевда ўз малакаларини ошириб келишди. Шифокорларга реаномобиль машиналари бириктирилган. Бу техника ёрдамида улар санитар авиация чақириғи билан 1-1,5 соат ичида вилоятнинг исталган жойига етиб боришади. Реаномобилда автоҳалокат туфайли мия ва бошқа жароҳатларни олган кишиларга тез ташхис қўйилади ҳамда беморга махсус тиббий ёрдам кўрсатилади.

Шифохона қошида ташкил этилган сунъий буйрак маркази ҳам айни муддао бўлди. Чунки беморларнинг буйрагини операция қилиш ёки махсус даво берилаётганда вақтинча сунъий буйракни ишлатиб қўйиш мумкин.

Вилоятлараро туғруқхонанинг йўқлиги сабабли шифохона қошида яна битта махсус санитар авиацияси бригадаси тузилди. Унинг шифокорлари фарзанд туғилгандан кейин оғриқ асорати қолган аёлларга тез тиббий ёрдам кўрсатади ёки керак булган тақдирда уларни жарроҳлик йўли билан даволайдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилояти шифохонаси ходимларининг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари мақтовга лойиқ.

Шифохона ҳудуди 13 гектар ерни ташкил этади. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Улар беморлар ошхонаси учун ишлатилмоқда. Дардмандларга дармон бўлаётган шифохона ходимларидан беморлар мамнун.

Гулом ЮСУПОВ.

БОШ ОҒРИҒИ

ЁХУД ГИЁҲВАНДЛИК ХИЁНАТ ЭМАСМИ?

Бош оғриғидан ёмони бўлмаса керак. Энди аслида касалнинг ҳеч бири яхши эмас-у, аммо шу хасталик хусусида бир фикр-да. Назаримда жамиятнинг ҳам ўзига яраша «бошини оғритаётган» ташвишлари бор-да. Масалан, гиёҳвандлик. Ана шу балога алоқадор бўлган жамики икир-чикирлар — экиш, сақлаш, истеъмол қилиш, сотиш... Ҳар бири ҳам аслида жиноят! Шу маънода ички ишлар соҳаси ходимлари қанчалик курашмасинлар, барибир улар қўпинча яккалик қилиб қолишади. Жиноятнинг, умуман ёмон йўлнинг йўналиши, ёмонлик тури, илдизи, уруғи кўп. Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Жиноят-қидирув бошқармасининг ўтган йилги якунлари билан танишар эканмиз, ахборотлар «унуми»га гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар асос берганига гувоҳ бўламиз. Биз уларнинг сонини айтиб барака топмоқчи эмасмиз. Аммо диққатимизни тортган баъзи «намуна»ларни қаламга олишни лозим тоғдик. Зеро бу намуналар иллатнинг чуқурлигидан дарак бериб, одамни ҳушёр торттиради, хўш қайси йўлга киришаяпти бу биродар ватандошларимиз деган маҳзун ўйга толдиради.

Рўзибой Эргашев Фарғона туманидаги Сатторобод деган қишлоқда истиқомат қилади. Узи ҳали ўттизга ҳам киргани йўқ. Шу йигитнинг хонадонидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган бир кило наша топилди.

Ёшлик — бебошлик дейдилар. Аммо бебошликда ҳам чегара бўлади. Фақат жинниликни чеклаш қийин. 20 ёшли учқуприклик талаба Ибрат Қодировнинг сотишга мўлжалланган ярим килограмм нашасини, шу ёшдаги Марғилон шаҳридан Валерий Орлов деган «валломат»нинг хонадонидан 35 грамм гашиш моддаси топилгани тақдим этилган мазкур ахборотномани «безаб» турганги аниқ.

Охунбобоев туманида Лангар деб аталадиган қишлоқ бор. Хонадонидан тўрт килограмм наша чиққан Олимжон Шерматов ўз қишлоқдошлари юзига қандай қараркин? Мазкур туманнинг Йўлдошобод қишлоғилик Ҳабибулло Болтабоевнинг ҳам юзи шувут. Сабаби, сотишга мўлжаллаб қўйган 2,5 кило наша ва беш дона «ТОЗ» милтиғи ўқлари билан қўлга тушиб ўтирибди. Афсуски, бу руҳатни давом эттириш мумкин.

Биз масаланинг ечимида ўзимизга боғлиқ бўлган томонлар борлигини инкор этмаслигимиз керак. Зеро, улар кўз ўнгимизда, шундоқ қўшнимиз, ҳамқишлоғимиз, ҳамюртимиздир. Бировнинг бировга ақл бўла олмаётганида отахонлар момоларимизнинг-да «ҳисса»си йўқ эмаслиги, афсуски ҳақиқат. Баъзан ўғлини йўлга сололмаётган оталар ҳақида эшитиб қоламиз. Ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдаклар қўлидан кела бошлаган бундай «бизнес» асл маънода халқимизга, унинг истиқболи, соғлом авлодига қилинган катта хиёнат ҳамдир. Тўрт-беш сўм орттиришни деб одамлар, ҳали туғилмаган авлодлар тақдири сотилаяпти. Биз эса қайсидир маънода кўриб-билиб, эшитиб, ҳис қилиб ҳам бепарвомиз. Кўрмаган, эшитмаганга соламиз ўзимизни. Аслида икир-чикирдай туюладиган, йиғилганда катта миқдорларни ташкил этувчи қора оғу жамиятнинг бош оғриғи. Унинг илдиз отишида ҳаммамизнинг ҳам бир чимдим ҳиссамиз йўқ, деб айта олармикинмиз? Қани эди...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Узбекистон овози» мухбири.

Тошкент автомобиль ва йўллари институти жамоаси "Ташишни ва йўл ҳаракатини бошқариш" кафедрасининг доценти, техника фанлари номзоди **Эрмат Дадажонович ДАДАЖОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТошДУ журналистика факультети жамоаси матбуот назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, доцент Б. А. Дўстқораевга укаси **Лазиз АБДУҒАНИЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0004, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.00

1 2 3 4 5 6.